

МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАФТИШ ДАЛИЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Баракаев Лазизжон Отақулович,
*Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
мустақил тадқиқотчиси*

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексидан [1] тафтиш масалалари алоҳида аҳамиятга молик масалаларни изоҳлаган. Ушбу кодекснинг 80 моддаси эксперт ва мутахассиснинг хулосаси ва кўрсатуви деб номланган.

Ушбу модданинг 3-қисми мутахассис хулосаси ва 4-қисми мутахассис кўрсатуви деб номланиб улар қуйидагича изоҳланган:

Мутахассис хулосаси – тарафлар мутахассис олдида қўйган саволларига унинг берган ёзма жавоби ҳисобланади. Экспертнинг хулосасидан фарқли томони эксперт қўйилган саволларга тадқиқот орқали жавоб беради.

Мутахассис кўрсатуви – сўроқ қилиш жараёнида махсус билимлар талаб қиладиган ҳолатларга изоҳ бериши ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши.

Ушбу кодекснинг 74-моддаси “Далил” деб номланиб 2 қисмдан иборат. Унда далил сифатида мутахассиснинг хулосаси ва кўрсатувлари кириши билдирилган.

144-модда жиноят ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш тартиби деб номланади. Унга кўра, суриштирув ва тергов органи содир этилган ёки этилаётган жиноят ҳақида хабарларни олиши ва текшириши ҳамда 3 кун ичида унга оид қарор қабул қилиши зарурлиги ифодаланган. Шу билан бирга, ушбу текширишлар жараёнида ҳужжатли текширув ёки тафтиш ўтказишни тайинлаши мумкин. Ушбу муддатлар узайтиришга эҳтиёж сезилганда ушбу муддатни тергов органи бошлиғи, суриштирув органи бошлиғи терговчи ва суриштирувчининг илтимосига кўра 10 кунга узайтириши мумкин ҳисобланади.

Тафтиш ва ҳужжатли текширув ўтказишда эҳтиёж сезилганда ушбу далилларни тўплаш усулини ўтказиш муддатини терговчининг илтимосига кўра тергов органи бошлиғи томонидан, суриштирувчи илтимосига кўра прокурор томонидан 30 кунгача узайтиришига рухсат берилади.

Қозоғистон ЖПКда [2] ҳам тафтиш институтига алоҳида эътибор берилган.

Ушбу кодекснинг 93-моддаси экспертни рад қилиш деб номланиб, унда агарда жиноят иши бўйича экспертизага тайинланган эксперт шу иш бўйича тафтиш ёки бошқа текшириш жараёнларида иштирок этган бўлса ҳамда ушбу тафтиш жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган бўлса унинг иштирокига йўл қўйилмайди яъни рад этилади.

Кодекснинг 120-моддаси “Ҳужжат” деб номланиб, ҳужжатлар далил сифатида баҳоланиши учун улардаги маълумотлар жисмоний, юридик шахслар ёки мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган ва жиноят иши учун аҳамиятли бўлиши талаб қилиниши изоҳланган.

Ушбу модданинг 3-қисмига кўра, ҳужжатлар ўзида маълумотларни акс эттириб, ҳужжат шаклида ёки бошқа шаклда бўлиши мумкин. Ҳужжатларга ушбу кодекс талаблари асосида олинган ёки тақдим қилинган инвентаризация, тафтиш далолатномалари, солиқ текширувлари далолатномалари, солиқ хизмати органларининг хулосалари ҳамда компьютер маълумотлари, фото ва киносьёмка, овоз ҳамда видеоёзувлари киради.

Ушбу кодекснинг 122-моддаси “Далилларни тўплаш” деб номланиб, унга кўра, далилларни тўплаш судгача ва суд босқичида процессуал ҳаракатларни ўтказиш орқали амалга оширилиши белгиланган. Далилларни тўплаш далилларни топиш, мустаҳкамлаш, олишга қаратилган бўлади.

Жиноят процессини юритувчи шахслар жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосига кўра ёки ўзининг ташаббуси билан хоҳлаган мутахассис ва экспертни хулоса бериш ёки сўроқ қилишга чақириши, тегишли муассасаларга тафтиш ёки текшириш тайинлаши мумкин. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тафтиш ва текшириш тайинлаганда прокурорни бир кун ичида хабардор қилиш талаб қилинади. Суд ўз ташаббуси билан тафтиш ёки текшириш тайинлаш ва далилларни тўплаш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур норма миллий қонунчилигимизда бошқачароқ ишлайди, яъни суд ҳам тафтиш тайинловчи субъектлар доирасига киради. Фикримизча, ушбу тартибни миллий қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ бўларди, чунки бизда судлар жинойий таъқиб субъектига айланиб қолган ҳамда ўзи далилларни тўплайди.

Ушбу ЖПКнинг 179-моддаси “Судгача бўлган босқич бошланиши” деб номланган.

Ушбу моддага кўра, аризалар ягона реестрга рўйхатга олинади. Тергов жараёнлари бошланиши ҳақида прокурор 1 кун ичида хабардор қилинади. Ушбу модда диспозициясига кўра тафтиш, текшириш, аудит ўтказиш жиноят иши бўйича шарт бўлган ҳолатларда жиноят аломатлари аниқланмаганда ушбу ҳолатлар, маълумотлар реестрга киритилмайди.

Кодекснинг 181-моддаси жинойий қоидабузарлик ҳақидаги ариза ва хабар деб номланиб, унга кўра, агарда ариза ва хабарда тафтиш

тайинлашни сўраб мурожаат қилинганда, аммо жиноят белгилари етарли бўлмаса, унда ягона реестрдан рўйхатдан ўтказилмасдан ҳужжатни кейинги тақдирини ҳал қилиш мақсадида 3 кун ичида ваколатли органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Ушбу кодекснинг 260-моддаси судгача бўлган терговни амалга оширувчи талабига кўра предметлар ва ҳужжатларни талаб қилиш деб номланиб, унга кўра тафтиш ўтказишга ваколати бор давлат ташкилотининг мансабдор шахси тергов ўтказаетган шахсинг талабига биноан уни ўтказиши ва тегишли далолатномани ўз вақтида тақдим қилиши талаб қилинади. Тафтиш тайинловчи ваколатли шахс эса тафтиш тайинлаганлиги бўйича прокурорни 1 кун ичида хабардор қилиши талаб қилинади.

Тафтиш ёки текшириш тайинланганлиги юзасидан тайёрланган далолатномада қонун бузилишлари ҳолатлари, камчиликлар, қарама-қаршиликлар ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар белгилари аниқланганда тафтиш тайинлаган орган йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишини талаб қилиши мумкин бўлади.

Тафтиш ва бошқа хизмат текширишлари ёзма далил сифатида жиноят ишига махсус расмийлаштиришларсиз қўшиб қўйилади.

Туркманистон ЖПК [3] ҳам махсус билимлардан жиноятларни тергов қилишда фойдаланиш шакли бўлган тафтишга оид бир неча моддалари мавжуд. Ушбу кодекснинг 131-моддаси тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар деб номланиб, унда ҳужжатлар ёзма ёки бошқа шаклдаги маълумотларни сақлаши мумкин дейилган. Ҳужжатлар жумласига дастлабки текширув ҳужжатлари ва бошқа маълумотлар, яъни тушунтириш хатлари, инвентаризация, тафтиш, маълумотномалар киради.

Мазкур кодекснинг 133-моддаси далилларни тўплаш деб номланиб, унда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз ваколати доирасида сўроқ қилиш, экспертни хулоса бериш учун чақирилиши, кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиши ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан ва мансабдор шахслар ҳамда фуқаролардан ҳужжатларни талаб қилиб олиш, тафтиш ўтказиш учун уни тайинлаш орқали далилларни тўплайди.

Экспертиза тайинлаш тартиби деб номланган 289-моддага мувофиқ, иш бўйича тафтиш, мутахассислар томонидан амалга оширилган текшириш далолатномалари олинган тақдирда ҳам экспертизалар ўтказилишини истисно этмайди.

Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига [4] ҳам тафтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу кодекснинг прокурор ваколатларига бағишланган 35-моддасига кўра, прокурор

жиноят иши доирасида тафтиш ўтказиш, инвентаризация ўтказиш ёки экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга ҳисобланади. Ўзбекистон жиноят-процессуал кодексидан фарқли равишда Қирғизистон Республикаси кодексидан тафтиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор эмас.

Кодекснинг 37-моддаси терговчининг ваколатлари деб номланиб, унга кўра терговчи ҳам прокурор сингари тафтиш, инвентаризация ўтказиш ҳамда экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли саналади.

Экспертни рад этиш деб номланган 72-моддага асосан, эксперт жиноят иши сифатида тафтиш ўтказган тақдирда, ушбу ишда эксперт сифатида қатнаша олмайди, балки иштирок этишга рад этилади.

Ушбу кодекснинг терговга қадар текширув ва унинг натижалари бўйича қабул қилинадиган қарорлар деб номланган 153-моддасига асосан жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор жиноят иши сабаблари рўйхатга олингандан бошлаб 10 кундан кеч қолмасдан қабул қилиниши талаб қилинади.

Ушбу муддатда жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш имконияти бўлмаганда 20 кунга терговчининг асослантирилган қарорига асосан, прокурор томонидан узайтириб берилиши мумкин бўлади. Ушбу асослантирилган қарорлар жумласига ўтказилиши узоқ вақт талаб қиладиган тафтиш, экспертиза тайинлаш, хизмат текшируви ўтказишни келтириш мумкин.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш деб номланган 154-моддага асосан тафтиш, ўзга идоравий текширув, экспертиза тайинланиши ёки бошқа ҳужжатлар орқали яширилган солиқ суммаси, божхона тўловлари етказилган зарар миқдори, ноқонуний даромад кўрилганлик каби молиявий ва иқтисодий қоидабузарликлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда жиноят иши қўзғатилиши рад этилиши асос сифатида киритилган.

Тожикистон ЖПКда [5] тафтиш масаласига оид моддалар жуда ҳам кам берилган. Ушбу кодекснинг экспертни рад қилишга оид 69-моддасига кўра, шахс агарда жиноят иши юзасидан мутахассис сифатида тафтиш ўтказган бўлса, ишда эксперт сифатида қатнаша олмайди.

Кодекснинг 86-моддаси далилларни тўплашга бағишланган бўлиб, унга кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд тарафларнинг илтимосига кўра, тафтиш ва текшириш ўтказишга ихтисослашган муассасалардан уларни ўтказишни талаб қилиши мумкин.

Кодекснинг экспертиза деб номланган 24 бобининг 208-моддаси экспертиза тайинлаш тартибига бағишланган бўлиб, қонунда белгиланган процессуал талабларга риоя қилмаган ҳолда тадқиқотлар ўтказишга йўл қўйилмаслиги изоҳланган.

Грузия Жинойт-процессуал кодекси [6] тафтиш институтига оид энг кам маълумотга эга бўлган хорижий мамлакатлар қонунларидан бири саналади. Ушбу кодекснинг 37-моддаси терговчи деб номланиб, унга кўра, терговчи қонун талабларидан келиб чиқиб, тергов ҳаракатининг ўтказилишини, тафтиш, инвентаризация ўтказишни ўзга идоравий текширувлар ўтказишни талаб қилиши мумкин ҳисобланади.

Шу моддага ўхшаш бошқа юқорида таҳлил қилинган давлатлар қонунчиликларидаги нормалар ҳам мавжуд бўлиб, тергов ҳаракатларини ўтказишни талаб қилиш деган қоида бир қатор саволларни юзага келтиради. Тафтиш ва ўзга идоравий текширув, инвентаризацияни бошқа муассасаларга ўтказиш учун қарор қабул қилса-да, тергов ҳаракатларини унинг шахсан ўзи ўтказади.

Юқоридаги шунга ўхшаш нормалардан келиб чиқиб, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг “Экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холиснинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар” деб номланган 78-моддаси 3-қисмидаги яъни “Материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмас” [7] “ўзга идоравий текширув” сўзларидан кейин “инвентаризация” сўзини киритиш таклиф қилинади. Инвентаризация ҳам текширишнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, уни жинойт процессуал кодексда алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг “Экспертиза тайинлаш учун асослар” деб номланувчи 172-модда 3-қисмидаги “Идоравий текширув хулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди” деган гаплардаги “тафтиш” сўзидан кейин “инвентаризация” сўзини киритиш тавсия қилинади. 172-модда 3-қисмига ушбу тушунчанинг киритилиши текширувнинг яна бир тури бўлган инвентаризация ўтказишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтириб ўтилган қонунчиликлар тафтиш институтини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://docs.cntd.ru/document/901802257>.
2. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>.
3. https://continent-online.com/Document/?doc_id=31344376.
4. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112308>.
5. http://www.adlia.tj/show_doc.fwx?rgn=15203&conttype=2.

6. https://cjad.nottingham.ac.uk/documents/implementations/pdf/Georgia-Criminal_Procedure_Code_amend_2020_RU.pdf.
7. <https://lex.uz/acts/111460>.